

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.TIB.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НАРМУХАМЕДОВА НАЗИРА АЗИЗОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ БИРЛАМЧИ  
БЎҒИНИНИ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛДА ТАШКИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА  
АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги.  
Соғлиқни сақлашда  
менежмент (тиббиёт фанлари)**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Нармухамедова Назира Азизовна**

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи  
бўғинини замонавий шаклда ташкиллаштириш  
жараёнида артериал гипертониянинг профилактикаси ..... 5

**Нармухамедова Назира Азизовна**

Профилактика артериальной гипертонии в условиях  
современной формы организации первичного звена  
здравоохранения в Узбекистане ..... 27

**Narmukhamedova Nazira Azizovna**

Prevention of arterial hypertension in the conditions of the modern form  
of organization of primary health care in Uzbekistan ..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.27.06.2017.ТІВ.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НАРМУХАМЕДОВА НАЗИРА АЗИЗОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ БИРЛАМЧИ  
БЎҒИНИНИ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛДА ТАШКИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА  
АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги.  
Соғлиқни сақлашда  
менежмент (тиббиёт фанлари)**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2018**

**Тиббиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Tib.16 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Асадов Дамин Абдурахимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нугманова Дамиля Сакеновна**  
(Қозоғистон Республикаси)  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мамутов Рифат Шукриевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Исмаилов Саидмурат Ибрагимович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тверь давлат тиббиёт академияси**

Диссертация химояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44, e-mail:info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100007, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А. Акилов,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий қотиби, тиббиёт фанлари номзоди,

**Х.Е. Рустамова,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра бутун дунёда артериал гипертония (АГ) ноинфекцион пандемия сифатида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир этувчи омил бўлиб, катта ёшдаги аҳолининг 30–45%ни ташкил этади; ёш ўтиши билан ушбу кўрсаткич ортиб бориб, 60 ёшдан ошган кишилар орасида 62%га етади<sup>1</sup>. Юрак қон-томир касалликлари бўйича ўлим кўрсаткичларининг пасайишига эришиш учун хавф омилларини назорат қилиш ва бирламчи профилактикани йўлга қўйиб, аҳоли ўртасида ҳаёт тарзини ўзгартириш бўйича кенг қамровли профилактик тадбирларни ўтказиш орқали мақсадга эришиш мумкин. Кўп сонли тадқиқотлар ўтказилишига қарамай, АГнинг асосий асоратлари ҳисобланган юрак ишемик касаллиги (ЮИК), миокард инфаркти (МИ) ва мия инсулти туфайли ўлим кўрсаткичларининг ошиши қайд этилмоқда. Ушбу асоратлар сабабли ўлим ҳолатлари асосан касалхонага жойлашгунгача бўлган даврда юз беради<sup>2</sup>.

Жаҳонда артериал гипертензияни эрта аниқлашга янгича ёндашувлар ва сифатли даволаш тизими натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, бу борада аҳолининг турли қатламлари орасида турли йўналишдаги юрак қон-томир тизими касалликларини эрта аниқлашда беморларни скрининг тизимига жалб қилиш ва индивидуал тактикасини танлаш, касалликни келтириб чиқарувчи хавфли омиллар олдини олиш тизимини, касаллик келиб чиқишида эндоген ва экзоген омиллар таъсирини, касалликни эрта аниқлаш ва сифатли даволашнинг оптимал тактикасини ишлаб чиқиш лозим. Турли минтақаларда яшаётган аҳоли репрезентатив гуруҳларида артериал гипертония хавф омиллари тарқалганлиги ва касалликнинг ривожланишида уларнинг аҳамиятини корреляцион таҳлил қилиш; «STEPS» – босқичма-босқич амалга ошириш тамойили» дастури ёрдамида аҳоли ўртасида артериал гипертония хавф омиллари тарқалганлиги ушбу ва омилларнинг касаллик ривожланишига таъсирини, турли даражадаги даволаш муассасалари шароитида артериал гипертонияси бор беморларни олиб бориш тактикаси тизимини, юрак қон-томир касалликлари хавфини миқдорий баҳолаш ҳамда миокард инфаркти ва инсулт каби асоратларнинг ривожланишини пасайтириш мақсадида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида «Коронар хавфни тизимли баҳолаш – «SCORE» самарадор моделини асослашдан иборат. Артериал гипертония билан хасталанган беморларни эрта аниқлаш ва давомий назоратни ташкиллаштиришда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини мутахассисларининг билим даражасини илмий далиллар ва тиббиёт тамойилларига асосланган клиник қўлланмада тавсия этилган мезонлар бўйича баҳолаш; артериал гипертонияни бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасининг

1. Европа гипертония жамияти (ESH) ва Европа кардиологик жамиятларининг (ESC) АГ бўйича тавсиялари, 2013.

2. Кобалава Ж. Д., Виллевалде С. В. Является ли обучение больных фактором, повышающим эффективность контроля артериальной гипертензии? // Кардиология. – 2007. – №10. – С. 75–82.

механизмларини ташкиллаштириш, касалликни ташхислаш, олиб боришнинг тиббий-ташкилий технологиялари тизимини, беморларда юрак қон-томир асоратлари ва нишон аъзолари шикастланишининг ривожланиш хавфини аниқлаш асосларини ишлаб чиқиш ва инсонлар соғлиғи ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам тизимида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, аҳоли орасида хавфли ҳисобланган касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг асоратларини олдини олишга қаратилган дастурий тадбирларни амалга ошириш зарур. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан, жумладан, юрак қон-томир касалликлари асоратларини пасайтириш ва аҳоли умри узайишини таъминлаш тиббиётнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Артериал гипертензия билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш мақсадида профилактикани татбиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Universitaire de Cardiologie et de Pneumologie de

1. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи [www.escardio.org.guidelines](http://www.escardio.org.guidelines), [www.nature.com](http://www.nature.com), [apps.who.int.ghodata](http://apps.who.int.ghodata), [www.nice.org.uk](http://www.nice.org.uk), [www.infobase.who.int](http://www.infobase.who.int), [www.sign.ac.uk](http://www.sign.ac.uk), [www.who.int](http://www.who.int), [www.heart.org](http://www.heart.org) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Québec (Канада); (Peking University (Хитой); Vallabhbhai Patel Chest Institute (Ҳиндистон); University of Sao Paulo (Бразилия); Karolinska Institutet, Institute of Environmental Medicine (Швеция); University of Udine (Италия); Detection, Evaluation, and Treatment of High Blood Pressure, American Heart Association, Centre of Cardiology (АҚШ). European Society of Hypertension, European Society of Cardiology (Буюк Британия); North Estonia Medical Centre (Эстония), ФДБУ Кардиология миллий тиббиёт тадқиқот маркази, ФДБУ В.А.Алмазов номидаги миллий тиббиёт тадқиқот маркази, Давлат профилактик тиббиёт илмий-тадқиқот маркази (Россия Федерацияси), Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малака ошириш институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Артериал гипертензияни эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, артериал гипертонияли беморларда дилтиаземни қўлланилишининг самарадорлиги, ренин-ангиотензин-альдостерон тизими дори воситалари артериялардаги тромблар асоратларининг олдини олиши, эналаприл, лизиноприл, фелодипин ва исрадипинларни қон босимини пасайтириш хусусиятлари исботланган (Karolinska Institutet, Institute of Environmental Medicine (Швеция)); АҚБнинг пасайиши ЮҚТКни юзага келиш хавфини камайтириши ва асоратлари, асосан диастолик қон босими ошганда ривожланиши, кўп тадқиқотларга асосан, АГ даволашда турли хил антигипертензив воситаларни самарадорлиги иботланган (Veterans Administration Cooperative Study Group (АҚШ)); соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини замонавий шаклда ташкиллаштириш жараёнида артериал гипертония профилактикасига янгича ёндашувлар ва сифатли даволаш тактикаси, дори воситаларини тавсия қилиш орқали ЮҚТ касалликлари асоратларининг ривожланиш хавфи камайиши исботланган (Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтга келиб ўрганилган илмий-тадқиқот маълумотларининг натижаларига кўра барвақт ўлимга олиб келувчи юрак қон-томир асоратлари ривожланишининг олдини олинишига эришиб бўлмапти (Европа гипертония жамияти (ESH) ва Европа кардиологик жамиятларини (ESC) АГ бўйича тавсиялари, 2013). Айрим мамлакатларда, хусусан, Шарқий Европа ва АҚШда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича олиб борилган профилактик тадбирлар билан ўлим кўрсаткичлари камайишининг боғлиқлиги аниқланди (Chobanian A., 2003; Pahor M., 2006; Reppert A., 2008; Volpe M, 2012; Clark CE, 2012). Бу борада Буюк Британия аҳолисининг 65% йилда бир марта, 90% эса ҳар 3 йилда умумий амалиёт шифокорига мурожаат қилади, лекин аҳолининг юқори қатновига қарамай, тиббиёт ходими томонидан ҳар йили аҳоли ҳар бир вакилининг АҚБ ўлчаниб, скрининг текширувидан ўтказилади. АҚШда эса 85% аҳоли ўзининг оилавий шифокорига 3 йилда 1 мартабадан кам бўлмаган ҳолатда мурожаат қилиб, тиббиёт ҳамшираси томонидан АҚБ ўлчанади (Cherry D. K., 2008). Россия ва собиқ иттифоқ давлатларида юрак ишемик касаллиги, миокард инфаркти ва мия инсульти касалликлари бўйича ўлим ҳодисалари ортиб бормоқда (Гафаров В.В., 2003; Оганов Р.Г., 2007;

Погосова Г.В., 2008; Кобалава Ж.Д., 2010). Аҳоли скринингининг мавжуд эмаслиги ва АҚБ кўтарилган беморларни ўз вақтида аниқламаслик ЮҚТА ривожланишининг асосий сабабларидан биридир. Шу билан бирга бирламчи профилактикани татбиқ қилиш, аҳолига хавф омиллари ҳақида батафсил маълумот бериш, артериал гипертонияни эрта аниқлаш, АҚБни доимий назорат қилиш, юрак қон-томир касалликлари асоратларининг олдини олиш омили ҳисобланади (Гафаров В.В., 2003; Оганов Р.Г., 2007; Поляткина Т.С., 2006; Кобалава Ж. Д., 2007).

Ўзбекистонда юрак қон-томир касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда (Курбанов Р.Д., 2012; Камилова У.К., 2013; Гадаев А.Г., 2000 ва бошқ.), кўпроқ АГни даволашда антигипертензив дори воситаларининг самарадорлиги аниқланган. Лекин МИ ва инсультдан ўлим ривожланишининг олдини олиш учун АГни эрта аниқлаш ва АҚБ даражасининг доимий назорати зарур, бу ишни бирламчи тизим мутахассислари – умумий амалиёт шифокорлари амалга ошириб боришлари керак. Шаҳар оилавий поликлиникаси ёки қишлоқ врачлик пунктлари шароитида АГ билан оғриган беморларни даволашнинг ўзига хос ёндошувини ёритишга оид ишларнинг йўқлиги, шунингдек, АҚБнинг юқори даражасини ўз вақтида аниқланмаслиги ва унинг назорати сифатининг пастлиги АГ муаммоларини нотўғри баҳолашга олиб келади. Ўз навбатида бу касалликнинг зўрайиши ва ўлим кўрсаткичларининг ошишига таъсир қилади.

Бироқ илмий адабиётларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамизда АГ профилактикаси, уни даволаш, асоратларининг олдини олиш каби барча жиҳатлар энг муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Мазкур муаммонинг барча жиҳатларига аниқлик киритилмаган, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида уни ҳал этиш технологияси ишлаб чиқилмаган, АГ билан касалланиш даражасини пасайтириш ва унинг асоратларини олдини олиш бугунги кунда муаммолигича қолмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ички касалликларда диагностика ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги йўллари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида артериал гипертониянинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасини татбиқ этишнинг тиббий-ташқилий ва илмий асосланган тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

қишлоқ аҳолисининг репрезентатив гуруҳларида артериал гипертония хавф омиллари тарқалганлигини ўрганиш ва касаллик ривожланишида уларнинг аҳамиятини корреляцион таҳлилини ўтказиш;

ЖССТнинг «STEPS» – босқичма-босқич амалга ошириш тамойили» дастури ёрдамида шаҳар аҳолиси орасида артериал гипертония хавф



омилларининг тарқалганлигини, ушбу омилларнинг касаллик ривожланишига таъсирини баҳолаш;

ҚВП ва шаҳар оилавий поликлиникаси шароитида артериал гипертонияси бор беморларни олиб бориш тактикасини баҳолаш;

юрак қон-томир касалликлари хавфини миқдорий баҳолаш ҳамда миокард инфаркти ва инсульт каби асоратларнинг ривожланиш маромини пасайтириш мақсадида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида «Коронар хавфни тизимли баҳолаш – «SCORE» (Systemic Coronary Risk Evaluation)» самарадор моделини қўллаш;

АГ билан оғриган беморларни эрта аниқлаш ва давомий назорат олиб бориш бўйича соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини мутахассисларининг билим даражасини илмий далиллар ва тиббиёт тамойилларига асосланган клиник қўлланмада тавсия этилган мезонлар бўйича баҳолаш;

АГ муаммоларини ҳал этиш учун беморларнинг ўзини жалб этиш эҳтимолини баҳолаш мақсадида уларнинг АГни келтириб чиқарувчи хавф омиллари, касалликнинг белгилари, асоратлари, шунингдек, мунтазам даволаниш ва ҳаёт тарзини яхшилашнинг аҳамияти ҳақида маълумотларга эга эканлигини аниқлаш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида артериал гипертониянинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасига оид ишларни амалга ошириш, АГ билан оғриган беморларни ташхислаш ва олиб боришнинг тиббий-ташкилий технологиялари алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 20 ёшдан ошган 6644 нафар қишлоқ аҳолиси, 40 ёшдан ошган 3049 нафар шаҳар аҳолисининг эркак ва аёллари, шунингдек, артериал гипертония билан оғриган 488 нафар беморлар, қишлоқ врачлик пункти 90 та ва шаҳар поликлиникалари 119 та врачлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳар поликлиникалари 441 нафар беморларни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** аҳоли орасида хавф омилларини эрта аниқлаш, АГ бор беморларга ташхис қўйиш, стандарт асосида даволаш ва олдини олиш сифатини баҳолаш, диспансер ҳисобга олиш ҳақидаги маълумотлар, маслаҳат бериш самарадорлиги асосий тадқиқот материалларини ташкил этади, шунингдек, аҳоли учун 636 та «STEPS – 2» ва 672 та «SCORE» стандарт саволномалари ва шаҳар поликлиникаларида АГ билан оғриган 889 нафар беморларнинг амбулатор карталари ўрганилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини бажаришда клиник, таҳлилий, статистик ва ижтимоий-гигиеник усуллар қўлланилган, ретроспектив ва проспектив тадқиқотлар ўтказилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш муассасаларида артериал гипертония билан хасталанган беморларда асоратларни камайтириш, скрининг тизимида касалликни эрта босқичида сифатли даволаш тизимини шакллантириш зарурлиги исботланган;

касаллик хавф омилларининг нисбий хавфи аниқланиб, ушбу хавф омиллари таъсири натижасида артериал гипертониянинг келиб чиқиши исботланган;

касалликни барвақт аниқлаш бўйича унифицирланган дастурни амалиётга татбиқ қилиниши зарурлиги исботланган;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилалаштириш муассасаларида соғлом аҳоли орасида юрак қон-томир тизими касалликлари хавфи миқдор жиҳатдан баҳоланган;

артериал гипертония билан хасталанган беморларни ўз вақтида ташхислаш ва сифатли даволаш тизими оптималлаштирилган ҳамда соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларида, бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика қилишнинг тиббий-ташкилий технологияларини такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитида артериал гипертонияни эрта аниқлаш учун 18 ёшдан ошган ҳар бир шахснинг АҚБ даражасини аниқлаш ва ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш кераклиги исботланган;

артериал гипертония билан касалланиш хавф омили юқори бўлган шахслар аниқланганда, ўз вақтида диспансер назоратига олиш кераклиги, бу эса нишон абзоларининг жароҳатланишини олдини олишга, юрак қон-томир касалликларининг ривожланиши ва асоратлар камайишига олиб келиши исботланган;

демографик ва ижтимоий кўрсаткичлар, овқатланиш тури, жисмоний юклама ва зарарли одатларни баҳолаш учун аҳоли ўртасида татбиқ этилган сўровномани ўтказиш, артериал гипертонияга олиб келувчи хавф омилларини ўз вақтида аниқлаш, АҚБнинг турғун кўтарилиши ва артериал гипертония ривожланишининг олдини олиш кераклиги аниқланган;

артериал гипертония хавф омилларини сифат ва миқдорий баҳолаш учун умумий амалиёт шифокори фаолиятида «STEPS», «SCORE» саволномалари ва анкеталарни қўллаш муҳимлиги исботланган;

тиббиёт муассасалари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, радио, телевидение) томонидан аҳоли ўртасида ўтказиладиган соғлом турмуш тарзи тарғиботини олиб бориш ва профилактик чора-тадбирларни ташкиллаштириш натижасида аҳолининг тиббий саводхонлиги ошишига, яшаш муддати узайишига ва ҳаёт сифатининг яхшиланишига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишда қўлланган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, таҳлилий, статистик ва ижтимоий-гигиеник усуллар билан тасдиқланганлиги ҳамда етарли даражада беморлар сони олинганлиги, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида артериал гипертония касаллигини эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва сифатли даволаш тактикаси тамойилларини ишлаб чиқиш, статистик жиҳатдан тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тақдим этилган хулоса

ва таклифлар артериал гипертония билан касалланиш ва унинг асоратлари туфайли ўлим даражасини пасайтиришдек муҳим тиббий-ижтимоий аҳамиятга мойиллик муаммони ҳал этиш имконини яратади. Тиббиёт ходимларининг хавф омилларини баҳолаш ва мунтазам равишда бириктирилган аҳоли АҚБини ўлчаш, артериал гипертонияси бор беморларни барвақт аниқлаш, уларни диспансер ҳисобига олиш, ўз вақтида сифатли даволаш ва асоратларнинг олдини олиш бўйича назарий ва амалий билимларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АГли беморлар хавф омилларининг тарқалишини баҳолашда «STEPS» ва юрак қон-томир касалликлари, уларнинг асоратларини олдини олиш учун «SCORE» саволномаси қўлланилиши беморларга касаллик ҳақида маълумотлар бериш, уларнинг даволашга масъулиятини ошириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва яшаш давомийлигини узайтириш бўйича чора-тадбирларни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида артериал гипертониянинг профилактикасини амалиётга жорий қилиш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитларида беморларни олиб бориш тактикаси» номли ахборот хатлари ўзбек ва рус тилларида умумий амалиёт врачлари учун ишлаб чиқилган ва расмийлаштирилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 22 февраль 83/27-сон маълумотномаси). Натижада артериал гипертония билан хасталанган беморларда асоратларни камайтириш ва касалликни эрта босқичида сифатли даволашга эришилган.

«Внедрение профилактики артериальной гипертонии в первичное звено здравоохранение» мавзусида услубий тавсияномаси умумий амалиёт шифокорлари учун ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 18 декабрдаги 8Нд/33-сон маълумотномаси). Натижада соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларида бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика тадбирларини ташкил этиш имконини берган.

Бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент шаҳридаги Олмазор, Сирғали ва Чилонзор туманларининг оилавий поликлиникаларида, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг айрим қишлоқ врачлик пунктлари амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 9 апрелдаги 8и/05-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида юрак қон-томир касалликлари асоратлари мавжуд беморлар сонини камайтирди, «Тез тиббий ёрдам»га мурожаат қилиш ва стационарда даволаниш муддати ва харажатларини камайтирди. Бир йилда битта поликлиникада артериал гипертонияли беморларни барвақт аниқлаш ва ўз вақтида даволашда 17,5 млн. сўм маблағ

тежалди, бу иқтисодий самара кўрсаткичини Республика бўйича поликлиникалар сонига (180) кўпайтирилса, жуда кўп маблағ тежалишига эришиш чора-тадбирларини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 21 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 9 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 57 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 177 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазибалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Артериал гипертониянинг асосий тиббий-ижтимоий аспекти**» деб номланган биринчи бобида чоп этилган материаллар бўйича ўрганилаётган муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Артериал гипертония, унинг хавф омиллари, артериал гипертонияли беморларни эрта аниқлашда скринингнинг роли ва соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинида АГли беморларни олиб бориш тактикасининг асосий тиббий-ижтимоий аспекти келтирилган.

Диссертациянинг «**Артериал гипертониянинг асосий тиббий-ижтимоий аспекти**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари баён этилган. Ёши 20 дан ошган аҳоли вакиллари бир вақтнинг ўзида АҚБ юқори даражасини аниқлаш бўйича скрининг текширувдан ўтказилган ва юқори артериал қон босим аниқланган ҳолда хавф омиллари баҳоланган.

Тадқиқот Сирдарё вилоятининг 5та туманида ўтказилган. Кўрик ўтказилган жойларда аҳолининг умумий сони 84801, шу жумладан 20 ёшдан катталари – 23745 кишини ташкил этган. Анкеталар 20 ёшдан катта 6644 та (27,9%) одамлардан йиғиб олинган. Скрининг-анкетага текширувдан ўтган шахснинг ёши, иш жойи, хавф омиллари (ирсий мойиллиги, чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, тузни истеъмол қилиш, жисмоний фаоллик) ва артериал босимни ўлчаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Хавф

омиллари мавжуд ёки АҚБ юқори бўлган шахслар ҚВП га кейинчалик кўриқдан ўтказиш учун таклиф қилинган ва у ерда такроран иккала кўлида икки мартадан АҚБ, бўй, вазн ўлчанган, тана вазни индекси ҳисобланган ва электрокардиограмма олинган.

Диспансер ҳисобида турган АГ ли беморлар амбулатор карталари бўйича ўрганилган. Ҳаммаси бўлиб 441та амбулатор картанинг таҳлили ўтказилган, АГли беморларнинг 363 (83,2%) тасида ассоцирланган касалликлар (қандли диабет, ЮИК, бош мия қон-томир касалликлари, буйрак касалликлари) мавжудлиги аниқланган. АГ ривожланишида хавф омилларининг аҳамияти, уларнинг кўрсаткичлари тўрт катакли жадваллар бўйича ҳисоблаш асосида баҳоланди. АГни юзага келиш хавфи, хавф омилларининг биргаликдаги ва ўрганилган алоҳида омилнинг (ирсий мойиллик, чекиш, тананинг ортиқча вазни ва семизлик, тузни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиниши) таъсири асосида ҳисобланган.

Шаҳар аҳолиси ўртасида ЖССТ «Босқичма-босқич амалга ошириш тамойили «STEPS» дастури бўйича АГ хавф омиллари мониторингини ўтказиш тадқиқотнинг кейинги босқичини ташкил қилди. Бунинг учун Олмазор тумани 16-сонли шаҳар поликлиникасига бириктирилган 40 ёшдан катта аҳоли вакиллари ўртасида анкета-сўровлари ўтказилди. 23469 кишилиқ аҳолига эга яқин-атрофдаги участкалар танлаб олинди. Скринингда уйда ёки поликлиникада сўралган ва хафли омиллари аниқланган 3049 шахсларнинг анкетаси тўлдирилди. Улар орасида 1415 (46,4%) та эркак ва 1634 (53,6%) та аёлларнинг ёши 40–60ни ташкил қилади. Ҳар бир шахсга биринчи стандартлаштирилган «STEPS» анкетаси тўлдирилди, ушбу анкета ижтимоий-иқтисодий характердаги, тамаки ва алкоголь истеъмол қилиш тўғрисидаги маълумотлар, овқатланиш ва жисмоний фаоллик даражаси ҳақидаги саволларни ўз ичига олади. Артериал гипертонияни вужудга келишига хавф омилларининг суммар таъсири тўрт катакли жадвал бўйича ўрганилди.

Мониторингнинг иккинчи босқичи хавф омиллари аниқланган шахслар ўртасида ўтказилди, улар кўриқдан ўтиш ва АҚБ, бўй, тана вазнини ўлчаш учун поликлиникага таклиф этилди, ТВИ ҳисобланди ва сўнгра «STEPS»нинг иккинчи анкетаси бўйича сўровнома ўтказилди. Тадқиқотнинг ушбу босқичида артериал гипертонияли хавф омили мавжуд 636та шахс иштирок этди (282 нафар аёллар ва 354 нафар эркаклар).

Иккинчи анкетага биноан артериал гипертонияли беморларни даволашда, уларнинг фикр ва мулоҳазалари куйидаги саволлар: АҚБни ўлчаш, дорилар қабул қилиш, диетага амал қилиш, шифокор тавсияларини бажариш ва шифокорга мурожаат қилиш кабилар асосида ўрганиб чиқилди.

Яқин 10 йилда юрак қон-томирлари асоратлари ривожланишининг хавф даражасини миқдорий баҳолаш ва юрак қон-томирлари касалликлари хавф омиллари мавжуд шахсларни аниқлаш 2004 йил давомида 34-сонли поликлиникада «SCORE» («Systemic Coronary Risk Evaluation» - коронар хавфни тизимли баҳолаш) саволномаси асосида амалга оширилди. Поликлиникада қабул қилиш чоғида умумий амалиёт шифокорлари

муружаат мақсадидан қатъи назар 40 ёшдан катта барча беморларга саволнома-анкетани тўлдирдилар. Унга беморнинг паспорт маълумотлари, ўтказилган касалликлар, қандли диабетнинг мавжудлиги, юрак қон-томирлари касалликларига ирсий мойиллик, зарарли одатлар, овқатланиш тури, жисмоний машқлар бажариш, стрессга мойиллик каби маълумотлар киритилган; вазн, АҚБ ўлчанган. Тўлдирилган анкеталар баллар орқали баҳоланган, сўнгра уларнинг умумий баллари ҳисобланган. Джексон методикасига биноан, юрак қон-томир касаллигининг хавф даражалари юқори - 40 ва ундан баланд балл, ўртача – 20–39 баллар, паст – 20 баллгача ҳисобланган. Йил давомида поликлиникага муружаат қилиб, сўровнома ўтказилган шахсларнинг умумий сони 672 нафар кишини, шу жумладан 297 нафар эркак ва 375 нафари аёл ташкил қилган.

Шифокорларнинг артериал гипертонияли беморларни олиб бориш ва юрак қон-томир касалликлари асоратларининг олдини олиш тактикаларини эгаллаш даражаси Тошкент шаҳрининг 4 та поликлиникаларида баҳоланди: Олмазор тумани –16 ва18-сонли, Шайхонтохур тумани – 14-сонли, Чилонзор тумани –37-сонли.Тадқиқот катта ёшдаги аҳоли билан ишлайдиган участка шифокорлари томонидан анкета-сўровини ўтказишдан иборат бўлди. Марказининг ўқитувчилари шифокорлардан сўраб саволномани тўлдирдилар. Сўровномада 119 нафар шифокор қатнашди: улардан 45 нафари умумий амалиёт шифокори дипломи ёки 10 ойлик УАШ дастури бўйича қайта тайёрлаш сертификатига эга. 42 нафар шифокор эса участка терапевтлари бўлиб ишлаганлар, 32 нафари «педиатр» асосий маълумотига эга, бироқ қисқа муддатли циклларда терапия бўйича ўқиганлар ва бириктирилган участкадаги ёши катта аҳолини қабул қилганлар. Саволнома артериал гипертония бўйича Клиник кўрсатма тавсияларига асосан тузилган (Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг далилларига асосланган тиббиёт маркази томонидан ишлаб чиқилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган) ва амбулатор шароитларда артериал гипертонияни даволаш ва ташхис стандарти сифатида тавсия этилган.

Қишлоқ врачлик пунктлари шароитларида артериал гипертонияли беморларни олиб бориш тактикасини эгаллаш даражасини Республика тиббиёт институтларининг умумий амалиёт шифокорларини қайта тайёрлаш бўйича ўқув марказларининг махсус ўқитилган ўқитувчилари баҳолашди. Ўрганиш давомида бир неча усуллардан фойдаланилди: шифокорлар анкета-сўровларини ўтказиш, артериал гипертонияли беморларни қабул қилиш пайтида кузатиш, уларнинг амбулатор карталарини таҳлил қилиш ва ҚВПда артериал гипертония бўйича клиник кўрсатма мавжудлигини текшириш. Тадқиқотда республиканинг ҳар бир вилоятдан умумий амалиёт шифокорлари иштирок этдилар. Ҳаммаси бўлиб 90 та қишлоқ врачлик пунктларидан 90 нафар УАШ сўралди. Улардан 52 нафари УАШ 10 ойлик қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқитилган ва сертификатларга эга. Улар скрининг ва АГ профилактикаси, диагностика ва даволаш, артериал гипертония бўйича клиник қўлланма асосида юрак қон-томир асоратлари хавфи стратификациясини ўрганишган. Қолган шифокорлар – участка

терапевтлари бўлиб ишлашган ва УАШ дастури бўйича қайта тайёрлашдан ўтишмаган. АГ ли беморларни даволаш сифатига ўқитишнинг таъсирини клиник кўрсатмага биноан ўқитишдан ўтмаган шифокорлар фаолияти билан қиёслаш асосида баҳоланди. Шифокорлар артериал гипертонияли беморларни даволаш тактикаси бўйича сўровдан ўтказилди, беморларни қабул қилиш вақтида уларнинг хатти-ҳаракатлари кузатилди, амбулатор карталардаги ташхис ва белгиланган даво тўғрисидаги ёзувлар таҳлил қилинди. Маслаҳат вақтидаги шифокор ҳаракатларини баҳолашда АГли беморларнинг вазни, бўйи ва тана вазни индекси, албатта, ҳисобланганлиги эътиборга олинди, шифокор томонидан рационал овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига оид маслаҳатлар берилгани қайд этилди. Маълумотлар амбулатор карталардаги ёзувлар бўйича ҳам текширилди. УАШлар билимлари тестлар бўйича ҳам баҳоланди: шифокорларга тўғри жавобнинг вариантини танлаш учун клиник ҳолатларнинг 5 та варианты таклиф этилди. Клиник қўлланманинг талабларидан бири ҳар бир беморда юрак қон-томир асоратлари хавфининг стратификациясини аниқлаш ва АГ даражасини аниқлагандан сўнг ташхисга киритиш талаб қилинади. Тадқиқот вақтида иш жойларида кўрсатмалар, қўлланмалар ва луғатларнинг мавжудлиги текширилди.


АГ бўйича пациентларнинг маълумотга эга эканликларини аниқлаш учун (хавф омиллари, артериал босимни ўлчаш, рационал овқатланиш тамойиллари, шифокор тавсияларининг бажарилиши) аҳоли саломатлигини ўрганиш бўйича ЎзР ССВнинг Ахборот-таҳлил маркази саволномасидан фойдаланилди (ЎАСЎ, 2002 йил). Сўровни ўқитилган умумий амалиёт шифокорлари ўтказишди. Маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш учун АГси 5 йилдан кам бўлмаган беморлар сўровдан ўтказилди, сўнгра натижалари ЎАСЎ билан солиштирилди. Таҳлил учун Сирдарё вилоятидан – 109 та, Фарғонадан – 104 та, Қашқадарёдан – 94 та, Қорақалпоғистон Республикасидан – 78 та, Тошкентдан – 103 та ишончли ва тўлиқ тўлдирилган саволнома олинди. Шундай қилиб, сўровномада 488 та АГли бемор: 259 (53,1%) та эркактар ва 229 (46,9%) та аёллар иштирок этди.

Артериал гипертония билан касалланганлардан қон босими охириги маротаба қачон ўлчанганлиги, ўзида АҚБнинг ошиб туриши ҳақида маълумотлар бор-йўқлиги, АҚБ кўтарилганда ўзига-ўзи биринчи ёрдам кўрсата олиш даражаси, шифокорларнинг маслаҳат ва тавсияларини бажарилиши ҳақида сўралди.

Олинган маълумотлар IBM Pentium-4 компьютерида экстенсив кўрсаткичларни ҳисоблаш билан статистик таҳлил амалий дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Хавф кўрсаткичларини ҳисоблаш учун тўрт катакли жадваллардан фойдаланилди (Реброва О. Ю., 2003), омил ОР 1 дан катта бўлганда аҳамиятли ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Қишлоқ аҳолиси орасида артериал гипертония хавфли омилларининг тарқалиши**» деб номланган учинчи бобида қишлоқ аҳолисининг скрининг натижалари келтирилган. Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, кўпинча скринингда 20 ёшдан 50 ёшгача – 4275

нафар (64,3%) шахслар иштирок этган: 20–29 ва 40–49 ёшдаги шахслар кўпчиликти ташкил этган. 50 ёшдан катта кишилар сони 2 баробар кам – 2369 нафар (35,7%). Қишлоқ аҳолисининг 60% га яқини ишлайди, ишламайдиган шахсларни, асосан, аёллар, уй бекалари, камроқ фоизини вақтинча ишламайдиганлар, нафақахўрлар ва ногиронлар ташкил этади. Сўралган шахсларда хавф омиллари мавжудлиги ва артериал босимнинг кўтарилганлик даражаси ўрганилди. Шу нарса қайд этилдики, артериал гипертониянинг хавф омиллари 3840 (57,8%) нафар одамда аниқланди, шундан 1327 (34,6%) нафар эркакларда ва 2513 нафар (65,4%) аёлларда мавжуд. Хавф омиллари орасида 1280 нафар (19,3%) ида ирсий мойиллик аниқланди (ота-оналари ёки қон-қариндошларида АГ мавжуд), 744 нафари (11,2%) чекувчилар, 921 (13,9%) нафари жисмоний фаоллиги паст, 580 нафари (8,7%) тузланган таомни афзал кўрувчилар бўлди (1-расм).



**1-расм. Артериал гипертониянинг хавф омиллари мавжуд шахслар умумий сонидан % да**

Респондентларда артериал босим ўлчанганда АҚБ нинг 140/90 дан ошиб кетиши 976 (14,7%) нафар кишида қайд қилинди, улардан 531 (54,4%) нафар беморлар ҚВПда артериал гипертония бўйича диспансер назоратида турганлар, 463 (45,6%) нафар кишида эса артериал босим биринчи марта аниқланди. Олинган натижалар таҳлили тўрт катакли жадвал тузиш имконини беради ва хавф омиллари ҳамда артериал гипертония пайдо бўлишининг эҳтимоллиги ва улар ўртасидаги корреляцияни аниқлайди. Хавф омилли бор шахсларда АГ пайдо бўлишининг хавф йўқ шахсларга нисбатан 21% га кўп. Хавф омиллари бор шахсларда АГ ривожланишининг нисбий хавфи (НХ) 10,4 марта хавф омиллари йўқ шахсларга нисбатан кўпдир. Семизлик ва тана вазни ортиқчалиги энг катта нисбий хавфни ташкил этиб, улар 10 ва 8 марта касаллик ривожланишининг кўпайтиради. Ирсий мойиллик АГ хавфини 2,2 марта, чекиш ва тузланган овқатни тановвул қилиш – 2 марта оширади. Шу сабабли ҚВПда хавф омиллари бор барча шахсларнинг бўйи ва тана вазни индекси аниқланди. Вазн-бўй индексини ҳисоблаш шуни кўрсатдики, тана вазни ортиқ бўлган шахслар 72,6%, семизлик билан 81,3% ҳолатларда АГ учраган. АГсиз шахсларда эса тана вазни ортиқчалиги 27,4% ва семизлик 18,7% ҳолатларда учради ( $p < 0,01$ ) (1-жадвал).



## ВБИ кўрсаткичи бўйича АГ мавжуд шахсларнинг тақсимланиши


Вазн-бўй индекси	Ҳаммаси		Артериал гипертония билан		Артериал гипертониясиз		P
	абс	%	абс	%	абс	%	
25гача	3236	84,3	528	16,3 +1,6	2708	83,7 +0,7	<0,001
25–30	497	12,9	361	72,6 +2,3	136	27,4 +3,8	<0,001
31–35	107	2,8	87	81,3 +4,2	20	18,7 +8,7	<0,01
жами	3840	100	976	25,4	2864	74,6	

Тана вазни меъёрда бўлган шахсларга нисбатан ортиқча вазнли беморлар ўртасида артериал гипертония тарқалганлиги 4,5 марта, семизлик мавжуд беморларда эса 5 марта кўп учрайди. Ортиқча вазн ва семизлик юқори АҚБ ва юрак қон-томирлари асоратларига олиб келади. Ушбу шахслар ЮҚТА ривожланишининг юқори хавф омиллари гуруҳини ташкил этади. АҚБ юқори бўлган кўпчилик шахсларда 2–4 та хавф омиллари билан бирга модда алмашинуви бузилишлари ҳам кузатилади. АГли беморларни олиб бориш тактикасида нафақат хавф омилларини барвақт аниқлаш асосий ҳисобланади, балки юрак қон-томир касалликлари билан касалланиш хавфи ва ўлим ҳолатларини пасайтириш учун маълум тактикани қўллаш зарур бўлган шахсларни ҳам аниқлаш муҳимдир. Профилактиканинг асосий йўналиши ҳаёт тарзини ўзгартиришдан иборат: ортиқча вазнни камайтириш ва рационал овқатланишга риоя қилиш, чекишни ташлаш, метаболик бузилишларни камайтириш. Юқорида қайд этилганидек, 45,6% ҳолатларда текширувдан ўтган шахсларда юқори артериал қон босими биринчи марта аниқланган. Бу АҚБ кўтарилиш даражаси юқори бўлган инсонларнинг ўз вақтида аниқланмаганлиги туфайли тиббий хизмат самарадорлигини камайтиради. Артериал қон босим кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, текширилган 976 нафар кишидан систолик АҚБ 90,6% да 180 мм сим.уст.га тенг бўлган, қолган (9,4%) да – 180 мм сим.уст.дан юқори бўлган қон босимидаги шахсларни стационар даволанишга юбориш талаб қилинади. Диастолик артериал босим таҳлили шуни кўрсатдики, 95,2% пациентларда АҚБ 90–110 чегарада, 4,8% пациентларда эса – 110 мм сим.уст.дан юқори бўлган. Бу ҳолатда АҚБни пасайтириш учун шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари талаб қилинади. Демак, хавф омиллари бор шахслар ўртасида АҚБни ўлчаш билан бирга ҳар йили скрининг текшуруви ўтказиш артериал гипертонияни барвақт аниқлашнинг самарали методи ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, АҚБ даражаси баланд беморларнинг ярими қон босими ошганлиги тўғрисида биринчи марта эшитдилар. Мазкур пациентларни биз кўриқдан ўтказиб, даволаш чораларини кўрдик ва диспансер назоратига олдик.

Диссертациянинг «ЖССТнинг «STEPS» дастури бўйича шаҳар аҳолиси орасида артериал гипертониянинг хавфли омилларини тарқалиши»деб номланган тўртинчи бобида 16-сон поликлиникага

бириктирилган шаҳар аҳолисининг мониторинг натижалари келтирилган. Беморларни қайд этиш ва диспансерли кузатиш журнали бўйича давоматни ўрганиш шуни кўрсатдики, АГ ли беморлар поликлиникага бир йил давомида бир мартаба келишган. Диспансерли назоратда турувчи пациентлар орасида, эркаклар хавф омилларидан бири ҳисобланишига қарамай, эркакларга нисбатдан кўпчиликни 50 ёшдан катта аёллар ташкил этди, ўткир юрак қон-томир касалликлари асоратининг ривожланиши кўпинча 40–50 ёшдаги пациентлар орасида қайд қилинди. Шаҳар поликлиникасида АГли беморларни олиб бориш тактикаси, беморларнинг амбулатор карталаридаги ёзувлар бўйича таҳлил қилинди: артериал гипертония давомийлиги, ассоцирланган ҳолатларнинг мавжудлиги, юрак қон-томир касалликлари асоратлари ва тавсия этилган даво баҳоланди. Ҳамроҳ касалликларни аниқлаш ёки АГ бўйича ЖССТ экспертларининг тавсияларига биноан, ассоцирланган касалликлар бор йўғи беморларнинг тўртдан бир қисмида учрамади (2-расм).



**2-расм. Артериал гипертонияли беморларда ассоцирланган касалликлар, %.**

Қолган беморлар бевақт ўлим билан тугайдиган юқори хавф гуруҳини ташкил этганлар. Демак, кўпроқ шаҳарли АГли беморлар шифокорга юрак қон-томир касалликлари асоратлари ривожланиб бўлгандан сўнг мурожаат қилишган. Амбулатор карталардаги маслаҳат ёзувлари шуни кўрсатдики, ҳеч бир ҳолда ҳам шифокорлар томонидан, ривожланган давлатларнинг умумий шифокорлик амалиётида кенг тарқалган, дорисиз даволаш ва турмуш тарзини ўзгартириш тавсия этилмаган. Гипотензив дориларнинг тайинлаш частотаси бўйича АПФ ингибиторларидир (17,2% беморларда), бунда улар ҳаттоки артериал қон босими бирламчи аниқланган беморларга тайинланган. АГ бўйича ЖССТ экспертлари қўмитаси тавсия этган дорилар, бета-блокаторлар ва тиазидли диуретиклар жуда кам тайинланган (15,9% ва 12,4% беморлар мос равишда), ундан ҳам кам ҳолларда кальцийнинг антогонистлари (6,9%) тайинланган. Юрак қон-томир касалликлар асоратларини профилактика қилиш учун дори сифатида аспириини шаҳар поликлиникасининг участка шифокорлари фақат 28,6% артериал гипертонияли беморларга тавсия этганлар.


Тадқиқотнинг кейинги босқичи бўлиб кенг қамровли скрининг текшируви бўлди, поликлиникага бириктирилган 40 ёшдан катта аҳоли ўртасида анкета-сўровлари ўтказилди. Таҳлил учун тўғри тўлдирилган 3049 та анкеталар танлаб олинди. Анкеталардан 636 нафар киши хавф омили (бир

ёки бир неча) таъсирида бўлган ва уларнинг 344 тасида артериал гипертония аниқланган. Шаҳар аҳолиси ўртасида муҳим хавф омилларидан бири сифатида чекиш 778 (25,5%) нафар кишида аниқланган. Охириги 12 ой давомида алкоголь ичимликларини 578 (18,9%) нафар киши истеъмол қилган. Атиги 769 (25,2%) нафар киши таомга зарур миқдорда сабзавотларни; 504 (16,5%) киши меваларни истеъмол қилишган. 1289 (42,3%) та респондентлар жисмоний фаол бўлишган; улар жисмоний ишни уйда ҳам давом эттиришларини билдиришган, 692 киши юриш ва велосипедда учиш билан шуғулланишган. Шаҳар аҳолиси ўртасида хавф омилларининг суммар таъсирида АГни келтириб чиқарувчи нисбий хавф омили 27 та, яъни хавф омиллари бор шахсларда хавф омиллари йўқ шахсларга нисбатан касаллик 27 мартаба кўп намоён бўлиши мумкин. АГ ривожланишига ортиқча тана вазни ва семизликнинг таъсири алоҳида ўрганилди. АГли беморлар ўртасида кам қисми (10,8%) тананинг нормал вазнига эга бўлган, қолган 307 та АГли беморда тананинг ортиқча вазни ва семизлик мавжуд бўлган. Нисбий хавф 5,3 ни ташкил этди, яъни тана ортиқча вазни ва семизлик артериал гипертонияни вужудга келиш хавфини 5,3 марта оширади. АҚБни ўлчаш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, хавф омиллари бор шахслар ўртасида 344 (54,1%) ҳолатда АҚБ кўтарилганлиги аниқланган, 208 (60,5%) та шахс ўзида АҚБ борлигини билганлар, 136 киши (39,5%) бу тўғрисида биринчи марта эшитганлар. Ҳар бир еттинчи пациент 171–200 мм. сим. уст.дан ортиқ систолик босимга эга бўлган (14,9%). АҚБнинг бундай даражаси дорили даволашни талаб қилади, бироқ алоҳида хавфни 101 мм. сим. уст. ва ундан ортиқ даражали диастолик босим учдан бир (32,5%) беморлар ташкил этдилар, бунда тез-тез стационар даволаниш талаб қилинади. Бу пациентлар оқибати ўлим билан туговчи миокард инфаркти ёки инсульт каби юрак кон-томир касалликлар асоратларининг ривожланишига олиб келувчи жуда юқори хавф гуруҳига кирдилар.

Скрининг текшируви тугаши билан хавф омиллари бор ва АҚБ даражаси кўтарилиши аниқланган барча шахслар поликлиникага таклиф қилинганлар, бу ерда улар поликлиникада беморлар билан ишлашни баҳолаш бўйича иккинчи анкетани тўлдирдилар. Беморларнинг учдан бир қисмидан кўпи йил давомида АҚБ даражасини ўлчамаганлар, унча катта бўлмаган қисми эса (7,8%), ҳаттоки ўлчанган санани ҳам эсламайдилар. Дорисиз даволаш тамойилларига фақат бир қисм беморлар амал қилган. Тузни чеклаш тўғрисидаги маслаҳат фақат АГли беморларнинг 6%ига, вазни камайтириш тўғрисида эса, беморларнинг бешдан бир қисмига берилган. Чекишнинг зарарли таъсири тўғрисидаги суҳбат 22,6% беморларга, жисмоний юклама тўғрисида 27,4% беморларга тавсиялар берилган. АГли беморларнинг даволанишга муносабати қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланди: фақат бемор аҳволи ёмонлашгандагина дориларни қабул қилиш ёки кўтарилган ҚБ даражасини пасайтириш учун мунтазам дориларни қабул қилиш. Беморлардан 83 киши (39,9%) АҚБ босимини тушириш учун таблеткаларни доим қабул қилиш шарт деб ҳисоблайдилар, қолганлари эса 125 (60,1%) – фақат аҳволлари ёмонлашганда даволанганлар. Номунтазам даволаш

сабабларининг таҳлили шуни кўрсатдики, 63 та (30,2%) пациент доимий даволанишни хоҳламаганлар, улардан 23 (11,1%)таси организмга дориларнинг ножўя таъсиридан кўрқадилар. 108 (51,9%)та киши дорихонада дорилар йўқлиги туфайли доимий даволанишга имконияти бўлмаган ёки дори воситаларини уйга етказиш муаммоларини қайд этадилар. 37 (17,9%)та киши даволанишни қиммат деб ҳисоблайдилар. Демак, пациентлар орасида АҚБ даражаси ва беморнинг ҳолатидан қатъи назар дори воситаларини доимий қабул қилиш зарурати бўйича энг оддий билимлар мавжуд эмас.

Диссертациянинг «**Юрак қон-томир касалликлари хавфини аниқлаш учун оилавий поликлиникаларга «Коронар хавфни тизимли баҳолаш» SCORE (Systemic Coronary Risk Evaluation) моделини татбиқ этиш»** деб номланган бешинчи бобида юрак қон-томир касалликларини эрта ва уларнинг асоратлари хавфини аниқлаш учун «SCORE» саволномаси бўйича аҳоли орасида ўтказилган анкета-сўровлари натижалари келтирилган. 16-сон поликлиника ходимлари томонидан бир йил ичида турли мақсадлар билан поликлиникага мурожаат қилган 672 пациентларда анкета-саволномалари тўлдирилган. «STEPS» саволномасидан фарқли равишда «SCORE» саволномаси респондентлар жавобларини балларда баҳолашни назарда тутаяди, бу АГ ёки унинг асоратларининг хавф омили сифатида ҳар бир омил аҳамияти даражасини баҳолаш имконини беради. АГга ирсий мойиллик бўлган 198 нафар киши аниқланган (сўралган пациентларнинг умумий сонидан 29,5%), уларнинг 99 нафари (14,8%) 1 ёки 2-турдаги қандли диабет (ҚД) билан касалланган. Бошқа хавф омиллари орасида 40%га яқин пациентлар чекишган, фақат пациентларнинг чорак қисми рационал овқатланган. Сўралган шахсларнинг 41,5%дан ортиғи юқори АҚБга эга бўлганлар, бундан баъзиларида у биринчи марта аниқланган, 53% пациентларда ортиқча тана вазни бўлган, лекин бу тўғрисида улар билмаганлар ва ўзларининг вазнларини ортиқча деб ҳисобламаганлар. 17% респондентлар семиз бўлганлар, бироқ пациентларнинг бу тоифаси ҳам ўзини асосан соғлом деб ҳисоблаган; уларнинг фикрича ортиқча вазн уларнинг ҳаёт сифатига таъсир этмайди, сўралган шахсларнинг учдан бир қисми тананинг нормал вазнига эга. Беморларнинг кўпчилиги жисмоний тарбия ва спорт билан амалда шуғулланмаслиги аниқланган. Ҳар бир анкета баллар йиғиндисини ҳисоблаш асосида баҳоланган. Баллар ҳажми бўйича сўровдан ўтганларнинг анкеталари 3 та гуруҳ юрак қон-томир касалликлари хавфи бўйича тақсимланди: жуда юқори хавф гуруҳи (баллар йиғиндиси 40 ва ундан юқори) – 53 нафар киши, ўрта хавф гуруҳи (20–39 баллар) – 167 нафар киши; қуйи хавф гуруҳи (19 балл ва кам) – 452 нафар кишидан иборат (3-расм).



**3-расм. Хавф омилларини миқдорий баҳолаш, %**

Шундай қилиб, 8%га яқин сўралган пациентлар қўшимча текширув ва стационар даволанишга муҳтож бўлганлар. Беморларнинг чорак қисми (ўртача хавф) хавф омиллари таъсирини камайтириш мақсадида кузатиш, кўриқдан ўтказиш ва турмуш тарзини ўзгартиришни талаб қилганлар. Қуйи хавф гуруҳига хавф омиллари таъсирини камайтириш учун бирламчи профилактика ўтказиш керак эди. Хавф омилларини баҳолаш ва балларни миқдорий ҳисоблаш барча пациентлар орасида юрак қон-томир касалликлари ва уларнинг асоратлари ривожланишининг юқори хавф гуруҳини аниқлаш имконини берди. Бу доимий назорат ва мувофиқ равишда даволаш учун умумий амалиёт шифокорлари, участка терапевтлари, поликлиника кардиологи эътиборини талаб қилади. Ўрта хавфда пациентлар диспансерли кузатувда бўлишлари ва бир йилда 2 марта кўриқдан ўтишлари керак.

Диссертациянинг «**Врачларнинг АГли беморларни олиб бориш тактикаси бўйича билимларини баҳолаш ва беморларнинг врач берган тавсияларига мунособатини аниқлаш**» деб номланган олтинчи боби шаҳар поликлиникаларида АГли беморларни даволаш бўйича шифокорларнинг билим ва кўникмалари даражасини ўрганишга бағишланган. Бунинг учун катта ёшдаги аҳоли билан ишлайдиган 119 та участка шифокорлари орасида анкета-сўровлари ўтказилган. Улардан 45 нафари умумий амалиёт шифокорлари дипломи ёки 10 ойлик УАШ қайта тайёрлаш дастури бўйича сертификатга эга; 42 та шифокор участка терапевтлари бўлиб ишлаган, 32 нафар педиатрия бўйича асосий маълумотга эга, лекин терапия йўналишида қисқа муддатли циклларда ўқиганлар ва бириктирилган участкада катта ёшли аҳолини қабул қилганлар. Ташҳис ва даволаш стандарти АГ бўйича Клиник қўлланмага биноан тузилган саволнома асосида жавоблар таҳлили ўтказилди. АГли пациентлар поликлиникада диспансер ҳисобида туриши керак ва бир йилда икки марта клиник кўрсатмада ўрнатилган 4 та асосий кўрсаткичлар бўйича кўриқдан ўтишлари керак, лекин буни ҳамма шифокорлар ҳам билмадилар. Масалан, 90% АГли беморларни ЭКГ текширувига УАШ ва терапевт, ҳамда педиатрларнинг ярмидан кўпроғи юборса, бошқа таҳлилларга (қондаги қанд ва сийдикдаги оксил таҳлиliga) эса фақат улардан ярмиси юборган. Кўз тубининг қон томирлари ҳолатини баҳолаш зарурлигини фақат умумий амалиёт шифокорларининг учдан бир қисми, терапевтларнинг бешдан бир қисми билади, педиатрлардан эса ҳеч ким билмади. Сўров натижаларининг кўрсатишича, хавф омилларини ҳамма шифокорлар ҳам ёдда тутавермайдилар. Нишон аъзоларининг жароҳатланишини аниқлаш зарурияти тўғрисида ҳамма шифокорлар ҳам билавермайдилар, учдан икки қисми, терапевтлар ва педиатрларнинг ярмиси карталарда церебро-васкуляр ва юрак қон-томир касалликларининг мавжудлигини қайд этганлар, периферик қон томирлар, кўз туби қон томирларини кўриқдан ўтказиш кераклигини амалда фақат шифокорларнинг бешдан бир қисми ёдда тутганлар. АГ менежментида муҳим бўлган, дорисиз терапияни, яъни, соғлом турмуш тарзига риоя қилишни 62–76% УАШ, 48–69% - терапевтлар ва 31–47% педиатрлар тавсия этганлар. Дорили терапияни клиник кўрсатмага биноан деярли барча УАШлар, учдан икки қисм

терапевтлар ва педиатрларнинг ярмидан камроғи тайинлаган. Шундай қилиб, шаҳар поликлиникасида клиник кўрсатма талабларини УАШлари энг тўғри бажарганлар, айнан улар иккиламчи ва учламчи профилактика ўтказишга тайёр мутахассислардир. Демак, аҳолини шифокорга бириктиришдан олдин, «педиатр» ихтисослигидаги шифокорларни 10 ойлик қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқитиш керак.

ҚВП шифокорларининг АГли беморларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини баҳолашни олиб бориш тактикаси бўйича ўрганилди: беморларни тўлақонли текширувлардан ўтказиш, АҚБ ининг тўғри ўлчанганлиги, давонинг тўғри тайинланганлиги ва дорисиз даволаш бўйича тўғри маслаҳат берилганлиги. 72% УАШ мустақил равишда охириги ойда АГли беморларни ЭКГ текширувидан ўтказганлар, 69%и диспансер кўриги ва стандарт бўйича тўлиқ текширувлар ўтказишган. Хавф омиллари таъсирини камайтириш учун 46% шифокорлар соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишган. УАШнинг амалий малакалари АГли беморларни кўрикдан ўтказаетган вақтда баҳоланган. 83% шифокорлар АҚБни стандарт бўйича қадамба-қадам тўғри ўлчаганлар, 75%и пациентларни уларнинг ҳолатлари ва кўрик натижалари билан таништирганлар, 94%и – кейинги ташрифни ва унинг келиш вақтини аниқлаб тавсия этганлар, 84% – пациентларни таҳлил топширишга юборганлар, 57% - уларнинг натижаларини тушунтирган, 23%и – тана вазни индексини аниқлаганлар. Демак, шифокорлар, асосан, артериал гипертонияли пациентларга тўғри маслаҳат берганлар. УАШ билимлари ўқитувчи-экспертлар томонидан тузилган тестлар бўйича баҳоланди. АГ ташҳиси аниқланганда қандай текширувлар ўтказилиши керак, деган саволга барча шифокорлар ЭКГ текширувини ўтказиш лозимлигини кўрсатиб ўтганлар, бироқ уларнинг ярмидан ками сийдикда оқсил ва қонда қанд борлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар, ушбу 3 та тест ҚВП шароитларида бажарилиши мумкин. Фақат 26% шифокорлар диспансерли беморларни клиник кўлланмага биноан, тўлиқ кўрикдан ўтказганлари маълум бўлди, қолганлари ҚВП шароитларида тўлақонли текширувлардан ўтказмайдилар, ваҳоланки атиги 20% ҳолларда ҚВП да АГ бўйича клиник кўлланма мавжуд эмас. АГли пациентларнинг амбулатор карталари (АК) тўлдирилишини шифокор-экспертлар қуйидаги мезонлар бўйича баҳолаганлар: АГнинг барвақт ташҳиси учун ўтказилган кўрикни ёзиш ва АҚБни ўлчаш; ЭКГ, сийдик ва қонни қандга таҳлили, кўз туби тасвирини ёзиш; ЮҚТКА хавфи стратификациясини ўтказиш ва ташҳисга АГ даражаси, хавфини киритиш; дорисиз даволаш ва дорили терапия бўйича тавсияларнинг мавжудлиги. Умуман АКни юритиш сифатини эксперт баҳоси қуйидагича тақсимланди: «аъло» – 6%, «яхши» – 37%, «қониқарли» – 41%, «ёмон» – 12%, «жуда ёмон» - 4%. Шундай қилиб, амалда ҳар олтинчи амбулатор картага ёмон баҳо ва ярмидан камига қониқарли баҳо қўйилган. Балки – амбулатор карталарни қониқарсиз тўлдириш шифокорларнинг қўшимча иш билан юкланганлиги, уларнинг эътиборсизлиги ёки етарлича билимга эга эмаслиги билан боғлиқдир. Тадқиқотнинг турли методларини қўллаш шифокорларнинг

назарий ва амалий тайёргарлиги ўртасидаги номувофикликни аниқлаш имконини беради. Демак, ҚВПнинг барча шифокорларини АГ бўйича клиник қўлланма билан таъминлаш зарур, узлуксиз касбий таълим тизими доирасида АГли беморларни даволаш тактикаси бўйича бир неча маротаба ўқитиш керак ва мунтазам равишда шифокорларнинг ишини район бош мутахассислари (терапевт, кардиолог) текширишлари лозим. Амбулатор картани тўлдиришдаги асосий камчиликлар бўлиб ўтказилган профилактика ишлари тўғрисида маълумотлар йўқлиги, АҚБ кўрсаткичлари ноаниқ ёзилганлиги, текшириш методларидан тўлиқ фойдаланилмаганлиги, хавф омилларининг қайд этилмаганлиги ҳисобланади. Текширишда соғлом турмуш тарзи (СТТ) бўйича тавсиялар мавжудлиги, улар дорисиз даволашнинг асоси ҳисобланади, фақат УАШнинг ярмиси пациентларга СТТ тамойилларига амал қилишни тавсия этганлар ва бу амбулатор карталарда кўрсатилган. Демак, ҚВП шифокорлари кўпроқ эътиборни ташҳис ва дорили даволаш масалаларига қаратадилар ва бунда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва АГнинг ривожланишига хавф омиллари таъсирини камайтириш, яъни УАШ амалга ошириши керак бўлган юрак қон-томир касалликлари профилактикасида асосий зарурий чораларга эътибор бирмунча четда қолмоқда. Шундай қилиб, УАШ томонидан АГли беморларни олиб бориш тактикасини баҳолаш шуни кўрсатдики, Клиник қўлланма тавсияларига етарли даражада амал қилинмаган. Ҳаттоки, ўқитилган УАШ ҚВПда клиник кўрсатма мавжуд бўлишига қарамай, ундан етарли даражада фойдаланилмаганлар. Улар АГли беморларни олиб бориш тактикаси бўйича тўғри йўналишга эга, бироқ амбулатор карталарга қараганда, мос ташҳис, даволаш ва АҚБни камайтиришни назорат қилишни фақат ўқитилган шифокорларнинг ярмисигина ўтказган.


Артериал гипертония профилактикасида муҳим босқичлардан бири – аҳолининг (ва, албатта, АГли беморларни) ўз ҳолатини баҳолаш, АҚБни ўлчаш, унинг даражасини назорат қилиш, дори воситаларини тўғри қабул қилишга ўргатишдир. 2002 йилда ССВнинг ахборот-таҳлил маркази «Ўзбекистон аҳолиси соғлиғини ўрганиш» (ЎАСЎ) дастури бўйича тадқиқот ўтказди. Ўша вақтдан бошлаб ўтган ўзгаришлар даражасини баҳолаш учун биз айнан ўша саволномани тўлдириб тадқиқот ўтказдик, бу артериал босимни ўлчаш, рационал овқатланиш принципларига амал қилиш, даволашга пациентларнинг муносабати, шифокор тавсияларини бажариш каби саволларни ўз ичига олади. Кўриklar 2009 йилда АГли беморлар орасида Ўзбекистон Республикасининг 5 та вилоятларида ўтказилди: Сирдарё (109 та бемор), Фарғона (104 та), Қашқадарё (94 та), Тошкент (103 та) ва Қорақалпоғистон Республикасида (78 та). Аниқлашимизча, сўралган АГли беморларнинг кўпчилиги АҚБни охириги 6 ой давомида 71–83% ва 7,7–24%, 6–11 ой давомида ўлчаганлар. Бир йилдан ортиқ муддатда АҚБ ўлчаган пациентлар ўрта ҳисобда 6,2%ни ташкил қилган. АҚБни ўлчашнинг юқори частотаси Тошкент вилояти учун характерлидир (1 йилда 1 мартадан кам эмас – 97%), энг қуйиси эса – Қорақалпоғистон Республикасида (бир йилда 1 мартадан кам – 88%). Бу ҳолатнинг АҚБ даражасини назоратлашда

пациентларнинг ўзларини қизиқишлари ва Тошкент вилоятидаги беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатининг яхшиланиши билан боғлиқлиги эҳтимолдан холи эмас.

АГли пациентни артериал босим кўтарилганда ўзига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш шифокор фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Беморларнинг касаллик тўғрисида маълумот олганлигини баҳолаш шуни кўрсатдики, деярли барчалари (96%) ўзларига биринчи ёрдамни кўрсата олдилар. Вазни кузатишни шифокорлар пациентларнинг ярмисига, тузни истеъмол қилишни чеклашни 71% беморларга тавсия этишган. Спорт билан шуғулланиш, алкогольни истеъмол қилишни чеклаш, стрессдан сақланиш, аутотренинг каби тавсияларни 10–40% пациентлар олган.

АГли беморларга шифокорлар тавсияларининг характери турли ҳудудларда маълум фарқларга эга бўлган. Алкогол ва чекишга шифокорлар етарлича кўнгилчанлик муносабатида бўлганлар. Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ушбу хавф омиллари ва улардан воз кечиш тўғрисидаги тавсиялар атиги учдан бир қисм пациентларга, Тошкент вилояти ва ҚҚР да эса атиги ўндан бир қисм пациентларга берилган. Беморларнинг таъкидлашларича, ҳаттоки шифокор маслаҳатини олган бўлсаларда уларнинг барчаси ҳам тавсияларни тўлақонли бажармаганлар (4-расм).

Белгиланган давони 65% пациентлар қабул қилганлар; Фарғона, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида 66% бемор, ҚҚРда беморларнинг ярмидан кўпроғи АҚБни пасайтириш учун дориларни қабул қилган. Тана вазнини чорак (ҚҚР, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларда) ёки учдан бир қисми (Тошкент, Фарғона вилоятларида) назорат қилинган.



**4 расм. Шифокорлар тавсияларини бажариш, %**

Тузни истеъмол қилиш деярли барча вилоятларда бир хил чекланган (30–40%). Жисмоний фаоллик ва алкогольдан воз кечиш тўғрисидаги шифокорларнинг маслаҳатларига деярли амал қилинмаган: ўрганилаётган вилоятларда ушбу кўрсаткичлар 9–30% ўзгарган. Чекишни 10–15% беморлар ташлаганлар. АГни даволаш ва асоратларни олдини олишда пациентларнинг иштирок этишга тайёргарлик даражасини баҳолаш шуни кўрсатдики,



беморларнинг сезиларли қисми (16,5 дан 28,8% гача) 6 ва ундан ортиқ ой АҚБ ҳолати тўғрисида ахборотга эга бўлмаганлар; кўпчилик АГли беморларга (69% гача) дорисиз даволаниш бўйича тавсиялар берилмаган, АГнинг хавф омиллари таъсирларини чеклаш бўйича (16–36%) шифокор тавсияларини бажарганлар.

Шундай қилиб, аҳолининг касаллик бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилган ЎАСЎ текширувидан сўнг шифокор тавсияларини бажарган беморлар сонини бирмунча оширишга эришилди. Тиббий ходимлар ҚВП шароитлари ва уйда беморларни нафақат касаллик, асоратларнинг ривожланиши ва даво ўтказилмаган ҳолдаги уларнинг оқибатлари бўйича саводхонлигини ошириш, балки касалликни дорили ва дорисиз даволаш бўйича берилган тавсиялар бажарилишини мунтазам назоратга олишлари зарур.

## ХУЛОСА

«Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини замонавий шаклда ташкиллаштириш жараёнида артериал гипертониянинг профилактикаси» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сирдарё вилоятининг қишлоқ аҳолиси ўртасида артериал гипертониянинг хавф омиллари учраши даражаси 57,8% (эркакларда 36,4%, аёлларда 65,7%)ни ташкил қилди. Корреляцион таҳлилларга кўра бир неча хавф омиллари мавжуд шахсларда АГ 10 марта кўп ривожланиши аниқланди. Семизлик ва ортиқча вазн (10 ва 8 марта), ирсий мойиллик (2,2 марта), чекиш ва ортиқча тузни истеъмол қилиш (2 марта) АГнинг ривожланишини таъминловчи энг юқори хавф омили эканлигини кўрсатди.

2. Хавф омиллари мавжуд шахсларда АҚБнинг ошиши 14,7% ҳолатда қайд этилди, шулардан атиги 54,4%ни ҚВПларида артериал гипертония бўйича диспансер ҳисобида турган; 45%да артериал қон босмининг ошиши биринчи марта аниқланган. Бу 18 ёшдан ошган ҳар бир шахсни АҚБни ўлчаш бўйича аҳоли скрининги ва патронаж ҳамширалар томонидан артериал босим даражасини тизимли назорати ўтказилмаганлигини кўрсатди.

3. Шаҳар аҳолиси орасида 20,8% шахсларда артериал гипертониянинг хавф омиллари кузатилди, жумладан чекиш – 25,5%, спиртли ичимликлар ичишни суистеъмол қилиш – 18,7%, нотўғри овқатланиш – 46%гача, гиподинамия – 60%дан юқори. Кўриқдан ўтказилган хавф омиллари мавжуд шахар аҳолисининг 54,1%ида юқори артериал босим аниқланган, шулардан 39,5% бемор илк бор бу ҳақда билган. Хавф омиллари мавжуд бўлган шахар аҳолиси ўртасида АГ 27 марта кўп учраши қайд қилинди.

4. Шаҳар поликлиникасининг АҚБ меъёрий кўрсаткичларга эга беморлари орасида 32,6% ҳолатларда хавф омилларининг шундай бирикмалари (ирсий мойиллик, чекиш, нотўғри овқатланиш, ортиқча вазн ва семизлик) аниқландики, булар яқин келажақда АГни юзага келтириши ва юрак қон-томир касалликларининг асоратларини келтириб чиқаради.

5. Шаҳар поликлиникасида артериал гипертония билан оғриган

беморлар амбулатор карталари таҳлилининг кўрсатишича, асосан, касаллик 5–10 йил бўлган беморлар диспансер ҳисобида турадилар. 83,2% ҳолатда ушбу беморларда ассоцирланган касалликлар (ЮИК, бош мия қон-томир касалликлари, қандли диабет, буйрак касалликлари) мавжуд бўлиб, бу асоратлар ривожланиб бўлган вақтда АГни кеч аниқланганлигидан далолат беради.

6. Ҳам қишлоқ, ҳам шаҳарлик беморларнинг амбулатор карталаридаги маслаҳат ёзувлари шуни кўрсатадики, шифокорлар томонидан беморларга дори воситаларисиз даволаш ва ҳаёт тарзини ўзгартириш бўйича камдан-кам тавсиялар берилган, эскирган ва самараси кам даволаш тактикаси қўлланилган, кўпинча раувольфия препаратлари тайинланган. АГни даволаш бўйича ЖССТ экспертлар қўмитаси тавсия этган бета-блокаторлар ва тиазидли диуретиклар каби биринчи танлов препаратлари мос равишда фақатгина 15,9% ва 12,4% ҳолларда тайинланганлиги аниқланди.

7. Шаҳар поликлиника шифокорлари орасида АГли беморларни олиб бориш энг тўғри тактикаси УАШда аниқланган, энг сифатсиз кўрсаткичлар эса педиатрия бўйича асосий мутахассисликка эга врачларда кузатилди. Жумладан, 95,6% УАШ, 66,5% терапевт ва 40,6% педиатрлар биринчи танлов дориларини стандарт бўйича тайинлади; 100% УАШ ва 75% педиатрлар ЮҚТА профилактикасини тўғри ўтказди; 75,6% гача УАШ, 52,4% терапевт ва 34,4% педиатрлар дори воситаларисиз давони тавсия этганлиги аниқланди.

8. ҚВП шифокорлари томонидан амбулатор карталарни олиб борилишининг эксперт таҳлили «аъло» ва «яхши» баҳолар атиги 43%ни ташкил этишини кўрсатди; кўп карталарда ташҳис нотўғри қўйилганлиги, лаборатор-тадқиқотлар натижалари, ВБИ ўлчовлари, хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш, дорисиз даволаш бўйича тавсияларнинг йўқлиги аниқланди. Кўрсатилган камчиликлар УАШ дастури бўйича 10–ойлик қайта тайёргарлик ўтмаган шифокорларда 1,8–2,3 марта кўп аниқланди.

9. 94% УАШ шифокорлари 4±1 йил иш стажига эга, уларнинг ярмидан кўпи 10–ойлик УАШ бўйича қайта тайёргарликдан ўтган; АГли беморларга клиник масалалар бўйича маслаҳатлар беришни 84–94% УАШ лар тўғри амалга оширган, бироқ ҚВП шароитида атиги 41–54% беморларда барча зарур таҳлиллар ўтказилганлиги аниқланди; 18 ёшдан катта беморларда 73% ҳолдагина АҚБ ўлчанганлиги тасдиқланди.

10. АГ муаммосига беморларни жалб қилиш учун уларни ўз касалликлари, АҚБнинг ошишида биринчи ёрдам кўрсатиш чоралари тўғрисида етарли маълумот билан таъминлаш кераклиги аниқланди ва энг муҳими, шифокорнинг нафақат дориларни қабул қилиш, балки турмуш тарзини ўзгартириш бўйича тавсияларини тўғри бажаришга йўналтириш кераклиги тасдиқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**НАРМУХАМЕДОВА НАЗИРА АЗИЗОВНА**

**ПРОФИЛАКТИКА АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТОНИИ В УСЛОВИЯХ  
СОВРЕМЕННОЙ ФОРМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПЕРВИЧНОГО ЗВЕНА  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**14.00.33 – Общественное здоровье. Менеджмент в здравоохранении  
(медицинские науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент– 2018**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Tib.16.**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Асадов Дамин Абдурахимович,</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Нугманова Дамиля Сакеновна,</b> доктор медицинских наук, профессор
	<b>Мамутов Рифат Шукриевич,</b> доктор медицинских наук, профессор
	<b>Исмаилов Саидмурат Ибрагимович,</b> доктор медицинских наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Тверская государственная медицинская академия</b>

Защита состоится «\_\_\_»\_\_\_\_\_2018 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей (Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44, e-mail:info@tipme.uz)

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей за №\_\_\_). Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51, Тел./Факс: (+99871) 268-17-44)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_»\_\_\_\_\_2018 года  
(протокол рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_»\_\_\_\_\_2018 г.).

**Х.А. Акилов,**  
Председатель Научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.м.н., профессор

**Н.Н. Убайдуллаева,**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.м.н., доцент

**Х.Е. Рустамова,**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёных степеней, д.м.н.,  
профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Согласно данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) артериальная гипертония (АГ) рассматривается как неинфекционная пандемия, влияющая на социально-экономические потери общества и составляющая 30-45% среди взрослого населения; увеличивается с возрастом и у лиц старше 60 лет достигает 62%<sup>1</sup>. Снижение смертности от сердечно-сосудистых заболеваний (ССЗ) в некоторых странах стало возможным благодаря проведению широкомасштабных мероприятий по изменению образа жизни и внедрению профилактических мероприятий среди населения. Раннее выявление лиц с факторами риска и минимизация их воздействия на организм позволили снизить частоту развития сердечно-сосудистых осложнений (ССО). Однако, несмотря на проведение многочисленных исследований, отмечается рост смертности от ишемической болезни сердца (ИБС), инфаркта миокарда (ИМ) и мозгового инсульта, являющихся основными осложнениями артериальной гипертонии. Чаще смерть от этих осложнений наступает на догоспитальном этапе<sup>2</sup>.

В целях достижения высокой эффективности диагностики АГ в мире проводятся многочисленные научные исследования, посвященные новым методам раннего выявления и адекватного лечения артериальной гипертонии, в том числе различные слои населения вовлекаются в проведение скрининга для активного выявления заболеваний сердечно-сосудистой системы и своевременного лечения пациентов. Изучается система профилактики факторов риска, приводящих к развитию артериальной гипертонии, влияние экзогенных и эндогенных факторов, раннее выявление заболевания и оптимальная тактика эффективного лечения. Анализируется распространенность факторов риска артериальной гипертонии в репрезентативных группах различных регионов и их влияние на развитие заболевания с помощью корреляционного анализа. Обосновано изучение с помощью программы «Принцип поэтапной реализации – «STEPS» распространенность факторов риска артериальной гипертонии и их влияние на развитие заболевания; тактики ведения пациентов с артериальной гипертонией в амбулаторно-поликлинических медицинских учреждениях. Для количественной оценки риска сердечно-сосудистых заболеваний и снижения частоты развития осложнений в виде инфаркта миокарда и инсульта изучена эффективность модели «Системная оценка коронарного риска – «SCORE» (Systemic Coronary Risk Evaluation)» в первичном звене здравоохранения. Изучение оценки уровня знаний специалистов первичного звена здравоохранения по раннему выявлению и тактике ведения больных артериальной гипертонией согласно критериям рекомендуемых клинических руководств, основанных на принципах доказательной медицины. Внедрение

<sup>1</sup>Рекомендации ESH (Европейского общества гипертонии) и ESC (Европейского общества кардиологов), 2013 г.

<sup>2</sup>Кобалава Ж. Д., Виллевалде С. В. Является ли обучение больных фактором, повышающим эффективность контроля артериальной гипертонии? // Кардиология. – 2007. - №10. – С. 75-82.

принципов первичной, вторичной и третичной профилактики артериальной гипертензии в первичном звене здравоохранения. Разрабатываются новые методы диагностики и тактики ведения пациентов, изучается риск повреждения органов-мишеней и развития сердечно-сосудистых осложнений, особое значение уделяется внедрению мероприятий по улучшению здоровья населения и качества образа жизни.

В настоящее время в нашей стране одним из приоритетных направлений Государственной программы реформирования системы здравоохранения является развитие первичного звена здравоохранения и совершенствование структуры учреждений первичной медико-санитарной помощи для улучшения качества медицинских услуг по раннему выявлению неинфекционных заболеваний и профилактике их осложнений среди населения.

Согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. предусмотрены «дальнейшее реформирование сферы здравоохранения, прежде всего первичного звена, скорой и экстренной медицинской помощи, направленное на повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населения, формирование здорового образа жизни, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений»<sup>3</sup>. Обеспечение повышения качества оказания медицинской помощи, снижение осложнений сердечно-сосудистой заболеваний и повышение продолжительности жизни населения в республике является одним из важных направлений в медицине.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 г.; Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-1652 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» от 28 ноября 2011 г.; №ПП-2857 «О мерах по совершенствованию организации деятельности учреждений первичной медико-санитарной помощи Республики Узбекистан» от 29 марта 2017 г., а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Медицина и фармакология».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>4</sup>.**

---

<sup>3</sup>Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах

<sup>4</sup>Обзор международных научных исследований по теме диссертации: [//www.escardio.org.guidelines](http://www.escardio.org.guidelines), <http://www.nature.com>, <http://apps.who.int.ghodata>, <http://www.nice.org.uk>, <http://www.infobase.who.int>, [www.sign.ac.uk](http://www.sign.ac.uk), [http://www.who.int/cardiovascular\\_diseases](http://www.who.int/cardiovascular_diseases), [www.heart.org](http://www.heart.org).

Научно-исследовательские работы, направленные на внедрение профилактики артериальной гипертензии для снижения заболеваемости и смертности, проводятся в ведущих международных научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в таких как Universitaire de Cardiologie et de Pneumologie de Québec (Канада); (Peking University (Китай); University of San Paulo (Бразилия); Karolinska Institutet, Institute of Environmental Medicine (Швеция); University of Udine (Италия); Detection, Evaluation, and Treatment of High Blood Pressure, American Heart Association, Centre of Cardiology (США); European Society of Hypertension, European Society of Cardiology (Великобритания); North Estonia Medical Centre (Эстония), ФГБУ Национальный медицинский исследовательский центр кардиологии, ФГБУ Национальный медицинский исследовательский центр им. В.А.Алмазова, ФГБУ Государственный научно-исследовательский центр профилактической медицины (Российская Федерация), Ташкентская медицинская академия и Ташкентский институт усовершенствования врачей (Узбекистан).

При проведении ряда исследований по раннему выявлению, диагностике и лечению артериальной гипертензии изучено следующее: доказана эффективность применения дилтиазема, профилактика тромботических осложнений, посредством препаратов, действующих на ренин – ангиотензин – альдостероновую систему, свойства эналаприла, лизиноприла, фелодипина и исрадипина снижать артериальное давление (Karolinska Institutet, Institute of Environmental Medicine (Швеция)); снижения уровня липидов в плазме крови и предотвращения внезапной смерти; в Veterans Administration Cooperative Study Group (США) на основании проведенных исследований доказана эффективность антигипертензивных средств, что приводит к снижению артериального давления и уменьшению риска развития заболеваний сердечно-сосудистой системы, а также осложнений при повышении диастолического давления; в Ташкентской медицинской академии (Узбекистан) доказано, что внедрение новых подходов профилактики артериальной гипертензии в организации современной формы первичного звена здравоохранения и назначение адекватного лечения с применением необходимых препаратов приводит к снижению риска развития осложнений сердечно-сосудистых заболеваний.

**Степень изученности проблемы.** Несмотря на многочисленные исследования, посвященные диагностике и лечению артериальной гипертензии, не удается предотвратить развитие сердечно-сосудистых осложнений, которые приводят к преждевременной смерти (Рекомендации ESH (Европейского общества гипертензии) и ESC (Европейского общества кардиологов, 2013 г). В странах восточной Европы и США внедрение первичной профилактики, повышение информированности населения о факторах риска, раннее выявление больных артериальной гипертензией и повышение их приверженности к лечению привели к предупреждению развития сердечно-сосудистых осложнений и снижению показателей

смертности (Chobanian A., 2003; Pahor M., 2006; Reppert A., 2008; Volpe M., 2012; Clark CE, 2012). Так в Великобритании около 65% населения один раз в год обращаются к ВОП, а около 90% – каждые 3 года, несмотря на высокую посещаемость населения, медицинский персонал ежегодно проводит скрининг с обязательным измерением уровня АД у каждого жителя. В США также отмечается высокая посещаемость семейного врача: 85% населения обращается к своему семейному врачу не реже 1 раза в 3 года. При каждом посещении медсестра обязательно измеряет АД (Cherry D. K., 2008). Смертность от ишемической болезни сердца – инфаркта миокарда и мозгового инсульта продолжает расти в России и странах постсоветского пространства (Гафаров В.В., 2003; Оганов Р.Г., 2007; Погосова Г.В., 2008; Кобалава Ж.Д., 2010). Это связано с низким качеством профилактических мероприятий, отсутствием раннего выявления лиц с повышенным уровнем артериального давления, проведения своевременного лечения больных АГ, профилактики осложнений заболевания и снижения смертности, обусловленной этими осложнениями (Гафаров В.В., 2003; Оганов Р.Г., 2007; Поляткина Т.С., 2006; Кобалава Ж. Д., 2007).

